



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 29 декабрь, № 250 (6433)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ДИЛЛАРГА БАХШ ЭТАР БИР ОЛАМ ШОДЛИК



Кеча пойтахтимиздаги Мустиқлик майдонида бошланган Янги йил байрами тантаналари ҳам мамлакатимиз аҳолисининг завқу шавқини янада жўш урдириб, унутилмас таассуротларни ҳадя қилмоқда. Бу тадбирларда қатнашаётган хоризмлик меҳмонлар эса ҳавас билан ушбу қувончли онларга шерик бўлишарди.

тортар ашулалар, театрлаштирилган сахна кўринишлари мурғак қалб эгаларига шодлик улашаётир.

Байрам шодиёналари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Юртимизда Янги йил байрами шуқуҳи ҳукмрон. Қай бир гўшага борманг, кўркам безатилган арча атрофида жам бўлиб ўйнаётган болажонларга, уларга катта орзулар билан термилиб турган ота-оналарга, набирасини етаклаган буваю бувижонларга, чеҳрасида келажақка катта ишонч ва мақсад балқиб турган йигит-қизларга кўзингиз тушади. Юртдошларимиздаги бундай кўтаринки кайфият, чеҳраларидаги мамнунликда Истиқлол деб аталмиш улуғ неъматга шукроналик ҳисси акс этиб турибди.

### ҒАМХҲҮРЛИК



(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Мамлакатимизда навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, жумладан, таълим тизимини ва унинг узвий қисми бўлган спортни ривожлантириш орқали ёшларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом камол топтиришга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаёпти.

### Соғлом турмуш тарзи — устувор мақсад

Бу борада мустақам ҳуқуқий пойдевор яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари эртамаиз эгалари ўртасида соғлом турмуш тарзини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этаётир.

### Имтиёзли кредит эвазига

Бугунги кунда Жиззах туманида биргина енгил саноат йўналишида 59 та ишлаб чиқариш субъекти фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 7 таси жорий йилда ишга туширилди.

"Элдор элит текс" оилавий корхонаси — ана шулардан бири. Яқинда бу ерда тижорат банкининг 35 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Хозир тадбиркорлик субъекти чеварлари томонидан катталар ва болалар учун тикилаётган либослар ички бозорда тобора харидорғир бўлиб бормоқда. Шу боис корхона мутасаддилари келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 50 фоиз оширишни мақсад қилган.

Шунингдек, тумандаги "Севинч Исломбек", "Зариста текс" корхоналарида ҳам замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши эвазига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш улаштирилди.

Тождидин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Муваффақиятлар сарҳисоби

Самарқандда жорий йил давомида худудда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ўзини яққол намоён этган, азму шижоати, илму салоҳияти билан намуна кўрсатган ёшлар, халқаро мусобақалар, фан олимпиадалари ғолиб ва совриндорлари ҳамда бир гуруҳ фидойиларни тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди.

Айтиши жоизки, мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мазкур соҳанинг жадал ривожига йўл очмоқда. Бунинг жумладан, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда самарқандлик ёшларнинг фаол иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритаётгани, чемпионлар сфига муттасил кенгайиб бораётгани ҳам яққол кўриш мумкин. Поёнига етаётган йил ҳам вилоят спортчилари учун омадли кечди. Улар 211 нуфузли беллашувда 1228 та медални кўлга киритдилар. Шундан 388 таси олтин, 347 таси кумуш, 493 таси бронза медаллардир.

(Давоми 2-бетда).

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



## Қонун ижодкорлиги самарадорлиги йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонунларнинг сифатини ошириш ва уларни ҳаётга таъбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, Сенат аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, илмий ва ўқув муассасалари профессорлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, Олий Мажлис, ҳуқумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ҳамда уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муноса-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси Мадридда тақдим этилди

Испания пойтахтида "Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Осие мамлакатлари билан маданий алоқалар институти (Casa Asia) ҳамда Мадрид автоном университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Давра суҳбатида Испаниянинг бир нечта вазирлик ва идоралари, илмий-академик ҳамда эксперт доиралари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқаролик институтларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳамда институционал асосларини мустақамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти юзасидан атрофлича фикр юритилди.

"Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик" ҳужжатли фильми ҳамда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари. Маҳалла: тарихий тажриба ва замонавийлик" китобининг тақдими чоғида Испания жамоатчилиги вакиллари фуқаролик жамияти шаклланишининг тарихий маданий сарчашмалари, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақидаги баътафсил маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Тадбирда Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва замонавий ривожланиши жараёнларидан яхши хабардор бўлган испан экспертлари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

лакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга доир кенг миқёсли дастурлар доирасида вояга етмаганларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, улар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастлик ғояларининг олдини олиш борасида тизимли равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таълим муассасалари, прокуратура ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

(Давоми 2-бетда).

## Равшан Эрматов — дунёнинг энг яхши ҳаками

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида Европа клублари ассоциацияси томонидан яқунланаятган йилда дунё футболда ёрқин из қолдирган кишиларни "Globe Soccer Awards — 2015" мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарлиси, эътироф этилганлар орасида ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳам бор.

### ФАҲР

Ҳамюртимиз "Йилнинг энг яхши ҳаками" деб топилди. Айни пайтда жаҳондаги деярли барча нуфузли телеканал, спорт нашрлари, интернет сайтлари ана шу анжуман тафсилотлари ҳақида сўз юритар экан, тақдирланганларга бирма-



бир тўхталиб, ўз фикрларини билдиришарди. Равшан Эрматов тўғрисида эса у, ҳақиқатан ҳам, ушбу мукофотга энг муносиб эканлиги айтилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

# ДИЛЛАРГА БАХШ ЭТАР БИР ОЛАМ ШОДЛИК



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тантаналар учун махсус барпо этилган катта саҳнада Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ижросида "Янги йил саргузаштлари" номли театрлаштирилган томоша кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Насриддин Афанди, Шум бола, Эгри ва Тўғри, Зумрад ва Қиммат иштирокидаги чиқишлар бу ерга таширф бўрганларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Бадий жамоалар, цирк санъати усталари, таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ўзларининг муслиқ дастурларини тақдим қилаётди. Шунингдек, кўплаб аттракционлар, турли савдо шохобчалари ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда ўрнатилган улкан мониторда мамлакатимиздаги янгиликлар, бунёдкорлик жараёнлари намойиш этилмоқда. Мазкур лавҳаларда шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркам қиёфаси, ёшларимизнинг турли соҳалардаги муваффақиётлари, нурунийларимизнинг шу тинч ва фаровон ҳаёт учун дуога қўл оёқтагани акс эттирилган. Табиийки, буларнинг барчаси ҳар бир юртдошимизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Бинобарин, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб хисса қўшган кекса авлод вакиллариининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам

фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб бораётган ишлар янги ҳақиқат мазмун кашф этди. Яқинлашиб келаётган 2016 йил Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номланган бу йўлдаги изчил ислохотларни янада кучайтириб, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида янада улкан ишлар амалга оширишга замин бўлади.

— Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини ўз набиралим мисолида чуқур ҳис қиламан, — дейди Тошкент вилоятининг Қибрай туманида яшовчи Ғайрат ота Сулаймонов. — Бугун уларнинг бири ҳарбий, бири мохир таржимон, яна бири тadbirkor. Мана бу жажжилар ҳам акалари ва опаларида қолшмаймиш, деб таҳсил олишяпти. Бу гўзал масканда набираларимизнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик яратилибди. Шундай эзгуликнинг бошида турган Президентимизга минг раҳмат.

Бундай тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда ҳам бўлиб ўтмоқда.

...Шодийналар арафасида болажонларга янада қувонч бахш этиш мақсадида совға-саломлар улашиш яхши анъанага

# Муваффақиётлар сарҳисоби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навқирон авлод вакиллари эришаётган ютуқлар уларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Чунончи, жорий йилда илм-фан йўналишида вилоят ёшларидан 4 нафари Президент стипендияси, 14 нафари турли стипендиялар совриндори бўлди. 20 нафар йигит-қиз эса халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этди. Самарқанд педагогика коллежи ўқувчиси Рухона Иргашева Зулфия номидаги Давлат мукофоти, истеъдодли хонанда Фарангиз Шамсиева эса "Ниҳол" мукофоти билан тақдирланди.

Маълумки, бу йил Самарқанд шаҳри ўзининг бор "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига меъзолик қилди. Унда 66 та давлатдан санъат илҳомландари қатнашди. Эътиборли жиҳати, мазкур анъанавий тadbirkor вилоят ахли учун қўшалок байрамга айланди. Чунки мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги шодийналари арафасида воҳода истиқо-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида юртимизда спортнинг замонавий инфраструктурасини шакллантириш бўйича кўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда катта ишлар бажарилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортининг ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори ўринбосари А. Бобонов. — Масалан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан 1922 спорт иншооти, 283 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 96 суғиш ҳавзаси барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Биргина жорий йилда 221 спорт иншоотида қурилиш, капитал реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Улар зарур спорт жиҳозлари ҳамда ускуналари билан таъминланди. Мазкур жараён, албатта, келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Ўз навбатида, жамғарма ва унинг худудий филиаллари томонидан спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, турли мусобақалар ташкил этиш орқали ўғил-қизлар маҳоратини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Поёнига етаётган йилнинг ўзида уюштирилган ўн миңдан яқин турнирда 2 миллиондан ортққ ўғил-қизлар қатнашгани бунинг тасдиғидир. Умуман, айна пайтда республикамизда 2 миллиондан зиёд болалар спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланаётгани диққатга сазовор. Булар ёш авлоднинг халқаро спорт ареналарида кўрсатаётган натижалари салмоғини янада юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Кўргазмага юртимиздаги спорт мажмуаларида яратил-

ган шарт-шароитлар, ёшларимиз эришган ютуқлар ифодаланган суратлар қўйилган. Шунингдек, уларнинг қубок ва медаллари, ўзимизда ишлаб чиқарилган спорт анжумалари намуналари билан ҳам танишиш мумкин. Тадбир доирасида пойтахтимизда таълим олаётган энг фаол 20 нафар спортчи қизга Президентимиз совғаси — миллий ва замонавий дизайн асосида тайёрланган спорт либослари топширилди. Қолаверса, 2015 йилда ўтказилган Осиё ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шаърафини муносиб ҳимоя қилган бир гуруҳ иктидор эгалари, спорт федерациялари вакиллари, соҳа мутахассислари рағбатлантирилди.

М. ҚОСИМОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмиталари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. У қонунчиликдаги "хуқуқий бўшлиқлар"ни, "ишламаётган" ва "турлича талқин қилиниши мумкин бўлган" нормаларни аниқлаш ҳамда бугунги кун та-

тини тушунтириб боришда телевидение, радио ҳамда босма оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилаётгани ушбу жараёнда муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуридани ҳозирги кунда хуқуқий ахборотни тарқатиш билан боғлиқ бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, қонун ҳужжатларида норматив-хуқуқий ҳужжатларни

# Қонун ижодкорлиги самарадорлиги йўлида

лабларига жавоб бермайдиган қонунларни янада такомиллаштириш мақсадида қаратилган бўлиб, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланишига ҳизмат қилади.

Хуқуқий инвентаризация ишларида бевосита манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳамда илмий-ўқув муассасалари олимларининг фаол иштироки эътиборга олинди. Бу ўрганилган қонунларнинг хуқуқий кўллаш амалиёти ва ҳожирий тажриба билан ўзаро қиёсий таҳлил этилгани натижадда уларнинг бугунги ҳолатини тўғри баҳолаш имконини берди. Қолаверса, бугунги кунда хуқуқий ахборот электрон шақллари тарқатилаётгани, хусусан, давлат органларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, бошқа ахборот тизимларида жойлаштирилаётгани, бундан ташқари, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳия-

тевланган аниқ механизми, муддатларини назарда тутиш, ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида мувофиқлиги айтиб ўтилди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ижро-чиларга етказишнинг аниқ тартибига соладиган махсус қонунни қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Депутатларнинг фикрича, бундай қонун хуқуқий ахборот тарқатиш тизимининг самарадорлигини оширишга ҳамда давлат органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги маъсулиятини кучайтиришга ҳизмат қилади.

Яқунда иштирокчилар томонидан мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш ва қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш механизмиларини такомиллаштириш юзасидан фирмулоҳазалар ҳамда тақлифлар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

# Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси Мадридда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маҳалла институтининг фаолияти фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги Ўзбекистон тажрибасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади, — деди у. — Бу жуда самарали жамоатчилик тизимидир. Биз Испанияда мазкур тажрибадан ўзимизга кўпгина фойдали жиҳатларни олсак бўлади. Чунки бизнинг жамиятимиз кун сайин индивидуаллашиб бормоқда. Маҳалла жамоат аъзоларининг бирлашувига кўмаклашадиган, давлат ва фуқаролар ўртасидаги боғловчи бўлин сифатида намोён бўлади. Бундай тизимларнинг амал қилиши жуда муҳимдир. Чунки улар фуқароларнинг реал эҳтиёжларини аниқлашга ёрдам беради. Шу боис фуқаролик жамиятининг мазкур ноёб институтини қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон сайёҳаракатларини фақат қут-лаш керак.

Тақдим этилган маърузалар давра суҳбати иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг айримлари "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳби-

ри билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институти ривожлантириш жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. — Мен бугунги тadbirkorни жуда катта эътибор билан кузатиб бордим. Чунки унинг мавзуси бизнинг ташкилотимиз фаолиятига бевосита алоқадор, — деди "NEXOS — Цивилизациялар альянси" ассоциацияси раиси Энрике Гаспар Родригез. — Бу жараёнда маҳалла институти билан боғлиқ ўзига хосликлар менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Ҳайлайманки, мазкур йўналишда Ўзбекистондан кўп нарсани ўргансак яхши бўлади. Маҳалла фаолиятининг ташкил этилиши, маҳалланинг хурматли ва тажрибали вакили аҳоли ҳамда маҳаллий ҳокимият ўртасида ўзига хос равишда воситачи бўлиши, менинг назаримда, жуда оқилона таъминдир.

— Биз Ўзбекистон тарихи ва мамлакатда фуқаролик жамияти институтининг замонавий ривожланиши ҳақидаги жуда қизиқarli маърузаларни тингладик, — деди Испания

Иктисодий тadbirkorлар институти президенти, иктисодчи Эстево Мора Фернандо. — Мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" таъминоти асосидаги ислухотлар жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Маҳалланинг ижтимоий-иктисодий вазифалари менда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу ноёб институтга хос бўлган ана шундай жиҳатларни, унинг маҳаллий даражада кичик бизнес ва тadbirkorликни ривожлантиришдаги ролини бизнинг экспертларимиз янада синчиқлаб ўрганишлари зарур, деб ўйлайман.

Умуман олганда, бўлиб ўтган давра суҳбати Испаниянинг олим ва экспертларида маҳалла институтини тар монлама ривожлантириш бўйича мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга нисбатан қизиқиш орбига бораётганини кўрсатди. Улар Ўзбекистоннинг ушбу йўналишда эришган муваффақиётлари бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисида яқдил фикр билдирдилар.

«Жаҳон» АА.  
Мадрид

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда мамлакатимизда чет тиллари ўқитишнинг комплекс тизими яратилган бўлиб, чет тилларни ўқиштириш барча умумтаълим мактабининг биринчи синф ўқув дастурларига жорий этилган. Ёш ўғил-қизларимизнинг чет тилларни ўрганиши мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига хизмат қилади.

Кун тартибидagi масала юзасидан халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари, Дин ишлари бўйича қўмита раиси, Республика Маънавий тарғибот маркази раҳбари, Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилоятчи ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятда йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид остига олинди.

Йиғилишда воёга етмаганлар ишлари бўйича худудий комиссиялар зиммасига воёга етмаганлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни янада кучайтириш, диний экстремизм ва ақидапарастлик гоёларининг олдин олиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, шунингдек, ушбу йўналишда идоравий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан вазифалар юклатилди.

Қўрилган масала юзасидан Вазир-

лар Маҳкамаси ҳузуридagi воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда "Йилнинг энг яхши масулу котийб" танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоом (янги таҳрир) ҳамда комиссиянинг 2016 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

# Очиқлик ва ошқораликни таъминлаш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан прокуратура органларининг матбуот хизмати тармоқлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида семинар-тренинг ташкил этилди.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун қоидаларини амалга ошириш доирасида ташкил этилган семинарда Бош прокуратура ходимлари, вилоят прокурорлари ҳамда уларга тегишли раҳбарлик вазирлари катта ёрдами билан қўриқилган хузуридаги СВОЖДПҚ Департаменти ва унинг худудий бошқармалари матбуот гуруҳларининг катта инспекторлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, давлат ҳокимияти ва бошқару-

ви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ахборотдан эркин фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, кенг жамоатчиликни юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ислухотлар, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати хусусида тизимли хабардорлик бериш бўлиб ўтди. Ушбу маънода демократик англош ва модернизациялаш жараёнининг, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу маънода айтаганда, прокуратура органлари матбуот хизмат-

лари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида мунтазам ахборот тақдим этиш, қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига ўз вақтида етказиш борасида фаол иш олиб бормоқда. Бу йўналишда ишларнинг самарали йўлга қўйилиши қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишига имкон яратиши, шунингдек, жамиятда хуқуқий маданият ҳамда аҳолининг хуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат ва қонунбузилишларга муроасазиллик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Тadbirkor прокуратура органлари фаолиятига оид ахборотни, расмий хабарларни тайёрлаш ҳамда

тарқатиш, жамоатчилик ва босма ҳамда электрон оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, матбуот материалларини мунтазам таҳлил қилиб бориш, қонун ҳужжатлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислухотларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ҳамда кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказиш бўйича ишларни янада такомиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Семинарда прокуратура органлари матбуот хизматлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва бу борада қонун ҳужжатлари талаблари ижросини қатъий таъминлаш юзасидан тақлиф ҳамда тасвиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Қисқа сатрларда

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-амалий семинарда тadbirkorлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомиллари, "Бир дарча" марказларининг фаолияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

● Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Кенгашида бўлиб ўтган тadbirkor Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Унда қорхона ва ташкилотлардаги бошланғич касаба уюмлари ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● Бешарик туманида "Бахт уйи"нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда аҳолига юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, янги оилаларнинг никоҳини қайд этиш тантанасини юқори савияда ташкил қилиш учун барча қулайлик яратилган. Никоҳ маросимини қайд этиш зали, "Оила дорилфунни", "Келин-куёвлар" ва хужжатларни сақлаш ҳамда хизмат хоналари замонавий жиҳозланган.

● Ёшлар ижод сароёида Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Тadbirkor ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилган шароит ва имкониятлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Аяно АБДУЛЛАЕВ (ўса) олган сурат.

# «Халқингизнинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги беҳад катта мақтовга лойиқдир»

Индонезиянинг Сурабая шаҳрида “Road Show” дастури доирасида “Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг юраги” мавзуда тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва замонавий тарақиёти хақида атрофлича тасаввур уйғотадиган ушбу тадбирда Индонезияда фаолият кўрсатадиган йирик сайёҳлик компанияларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, ишбилармон доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

### ДУНЁ НИГОҲИ

Тадбир давомида унинг иштирокчилари мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий мероси, ноёб меъморий ёдгорликлари ва диққатга сазовор масканлари, замонавий сайёҳлик

инфратузилмаси, кўп йўналишларни қамраб олган транспорт тармоғи ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишди. Ушбу маросим туроператор-

лар ва тақдимотнинг бошқа қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, **“Panorama Tours”** компанияси менежери **Раймонд Изаак** республикамизнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамда иқтисодий имкониятларини юқори баҳолаётган экан, бўлиб ўтган учрашув Ўзбекистонга туристлар оқимини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. У мамлакатимизга бориш истигадиган сайёҳлар сони тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, **“Panorama Tours”** ақин вақт ичида доимий равишда Ўзбекистон

бўйлаб саёҳат дастурларини йўлга қўйиш ниятида эканлигини маълум қилди.

**“Aleta Tour”** сайёҳлик агентлиги директори **Эко Мужино** юртимиз бой ва ранг-баранг маданий ҳамда маънавий меросга эга эканлигини алоҳида қайд этди. — Қадимий ва навқирон, дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарлар Буюк Ипак йўлининг муҳим марказларидан ҳисобланади, — деди у. — Ўзбекистонда кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар яшаб ижод қилган. Улар дунё илм-фани ҳамда маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси

туфайли Индонезияда ҳам юксак ҳурмат-эҳтиром ила тилга олинади.

**“Honny World”** компанияси директори **Хонни Иванто** кайд этганидек, Ўзбекистоннинг қулай жўғрофий жойлашуви республиканинг сайёҳлик соҳасидаги устун жиҳатларидан бири ҳисобланади.

— Давлатингиз раҳбарияти саъй-ҳаракатлари натижасида бебаҳо ёдгорликлар авайлаб асралмоқда ва дунё аҳлининг эътиборига тақдим этилмоқда, — деди у. — Бундан ташқари, замонавий транспорт ва туризм инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган чоралар қўйилган ҳам сайёҳлар оқимини оширишнинг асосий омиллари сирасига киради. Халқингизнинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги эса беҳад катта мақтовга лойиқдир.

«Жаҳон» АА.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Япониянинг **“Toyota Motor”** корпорацияси дунё миқёсида автомобиль сотиш бўйича асосий рақобатчиси — **“Volkswagen AG”** (Германия) концернини ортда қолдириб, етакчилик мавқеини сақлаб қолди.

### Мавқеини сақлаб қолди



Жумладан, шу йилнинг январь — ноябрь ойларида ушбу корпорация томонидан харидорларга 9,21 миллион донна автоулов етказиб берилган. Немис компанияси эса 9,10 миллионга маҳсулот сотишга муваффақ бўлган. Манбада айтилишича, **“Toyota Motor”** июль ойидан эътиборан савдода **“Volkswagen AG”**дан ўзиб кетди. Экспертлар йил якуни бўйича ҳам у биринчи ўринни кўлдан бой бермаслигини тахмин қилишапти. Маълумот сифатида келтириб ўтамиз, Қўнчиқар юрт ишлаб чиқарувчиси бу борада 2014 йилда ҳам етакчиликка эришганди.

### Патент машмашаси

АҚШнинг **“Apple”** компанияси Жанубий Кореянинг **“Samsung”** компаниясидан патентлашга оид қонунчиликни яна бузганлиги учун **180 миллион доллар** миқдорда товон пули талаб қилмоқда, дейилади **“Рейтер”** ахборот агентлиги хабарида.



Бу мобиль алоқа бозоридида мазкур икки йирик ишлаб чиқарувчи ўртасидаги дастлабки машмаша эмас. **“Apple”** ва **“Samsung”** келишимовчилиги 2011 йилда бошланган. Ушанда океанorti бренди асосий рақобатчисини унга тегшли **“iPhone”** русумли технологияси ва дизайндан нусха олганлиқда айблаб, товон талаб қилган эди.

Қайд этиш жоизки, шу ой бошида **“Samsung”** агар давъого реквизитларни тақдим эта олса, 548 миллион доллардан зиёд компенсация тўлашга рози эканлигини билдирган.

### «Туманли Альбион»да тошқинлар кузатилмоқда

**“Ева”** атлантика тўфони туфайли Буюк Британиянинг Фарбий ва Шимолий ҳудудларида кучли ёғингарчилик кузатилиб, тошқинлар келиб чиқди.



Вазият, айниқса, Ланкашир ва Фарбий Йоркшир графлигида жиддий тус олган. Минглаб

аҳоли вакиллари эвакуация қилинди. Сув сатҳи келгуси ҳафта бошидан эътиборан пасайиши айтилмоқда. Мамлакат ҳукумати табиий офат рўй берган жойларга қўшимча ёрдам кучлари жўнатилиши билдирди.

### Демографияга доир руҳсат

Хитой парламенти томонидан барча оилаларга икки нафаргача фарзанд кўриш ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилинди. У 2016 йилнинг январь ойидан кучга киради.



Гап шундаки, Чин ўлкасида аҳоли сони кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 36 йилдан буён «Бир оила — бир фарзанд» тамойили амал қилиб келарди. Бўлажак ота-оналарда ўғил фарзанд кўришга истакнинг юқорилиги сабаб бу ерда эркаклар сони аёлларга нисбатан сезиларли даражада кўпайиб кетган.

Янги қонун орқали бу борадаги нотенгликка барҳам бериш ҳамда меҳнатга лаёқатли фуқаролар сонини янада кўпайтириш кўзда тутилган.

### Узоқ йиллик саёҳат

Германиялик Хайнц Штуке 1962 йили велосипедда дунёни айланиш учун уийдан чиқиб кетганди. У 50 йил давомида жаҳондаги 196 та мамлакатда бўлиб, 608 минг километрлик масофани босиб ўтди.



Бу ҳақда **“Телеграф”** наشري хабар тарқатди. Хайнц ўз саргузаштлари давомида 100 мингга яқин сурат олган, таасуротлари эса 18 минг саҳифалик кундаликка жам бўлган. Ватанига қайтган ҳавасоронидан ўтганлари хақида китоб ёзди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 13 январь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 16-уй, 18-хонадонда жойлашган уй-жой такроран кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 175 767 300 сўм.**

**Талабгорлар диққатига!**

Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2016 йил 28 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.

2016 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд тумани СИБ томонидан ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2015 йил 4 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Оҳалик» ҚФЙ, Гулбоғ маҳалласида жойлашган уй-жой кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.**

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегшли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиган талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигадиган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.  
 Телефон: (0-366) 234-06-38.

Хизматлар лицензияланган.

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 19 январь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига кўйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

**I.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 283 кв.м., фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой.

**Бошланғич баҳоси — 192 058 114 сўм.**

**II.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

**Бошланғич баҳоси — 27 662 550 сўм.**

**III.** Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

**Бошланғич баҳоси — 152 981 991 сўм.**

**IV.** Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

**Бошланғич баҳоси — 33 476 244 сўм.**

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

**Бошланғич баҳоси — 64 309 626 сўм.**

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

**Бошланғич баҳоси — 33 476 244 сўм.**

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Эски Сарақул кўчаси, 81-83-уйларда жойлашган, ер майдони 909,34 кв.м., умумий майдони 179,10 кв.м. бўлган уй-жой.

**Бошланғич баҳоси — 192 058 114 сўм.**

2016 йил 9 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 20 октябрдаги 30/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй, 14-хонадонда жойлашган, умумий майдони 105,3 кв.м. бўлган уй-жой, ичидаги машиини техника ва жиҳозлари билан.

**Бошланғич баҳоси — 435 117 758 сўм.**

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегшли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиган талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигадиган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда **«Capital realtor group»** МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги к., 18-уй.  
 Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

**«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ»**  
**ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача  
 Ижара 1 йилгача

курилиш техникаси  
 махсус транспорт  
 қурилиш асбоблари  
 кичик механизация воситалари  
 технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз!

Лизинг шартлари ҳар бир миждо учун алоҳида тарзда белгиланади.

**2016 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

Маҳсулотлар сертифициланган.

►►► **МАВЖУД ТЕХНИКА АНЖОМЛАР:**

- **«УТО С1402»** РУСУМЛИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОР;
- **КОМПОЗИТ АРМАТУРА УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ**
- **ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**
- **БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР** (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- **РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛГАЛАР;**
- **ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧ.**

«СБР-170А»  
 Бетонқорғич «СБР 800»

Бўёқчилик аппарати «АМ-01»  
 Тош кесувчи ускуна «СК-350/600»

**АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ**

Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.  
 www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru

**Т.: (0-371) 250-73-14, 250-51-04, (+99890) 958-61-61.**  
**Факс: (0-371) 250-51-04.**

Автомобил  
 Темпр. йўл  
 Ушбу жой  
 Қурилиш  
 Бозор  
 Озик-овқат дўкони  
 «ОХУ» дорихонаси  
 Оптин водий к., 29-«А» уй (собик Венгерская)  
 Таъмирлаш заводи  
**«Қурилиш-Лизинг»**

**«KOP Tarmoqli ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

\* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Яққасарой тумани судининг 2015 йил 21 апрелдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фирдавсий 3-тор кўчаси, 17/17-«А» уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 232,81 кв.м., тураржой майдони 152,24 кв.м. бўлган 5 та хона, ошхона, 3 та дахлиз, 3 та ҳаммом, ертўла, соябоннинг 1/2 қисми, 1 та темир дарвозадан иборат икки қаватли уй-жой (ҳовли)нинг 1/2 қисми кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 803 290 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 28 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

\* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ Мирзо Улуғбек тумани судининг 2013 йил 26 февралдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Хусайн Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, ер майдони 895,0 кв.м., қурилиш ости майдони 461,49 кв.м., фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., тураржой майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой (ҳовли) такроран кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 271 661 275 сўм.**

Такрорий аукцион савдоси 2016 йил 15 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истигадиган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p Tarmoqli ko'chmas Mulk Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига кўйилган кўчмас мулклар билан тегшли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истигадиган талабгорлардан ариза ва бошқа тегшли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 88-уй, 611-хона.  
 Телефонлари: (0-371) 249-54-59, 249-63-61.

Хизматлар лицензияланган.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

“Ўзбекистон ҳакамлик мактабидан ўрганиш керак” деган мулоҳазаларнинг янграётгани мамлакатимиз спортига, футболга, ҳакамлик мактабига берилган юксак баҳолидир.

Таъкидлаш жоизки, “Йилнинг энг яхши ҳаками” деган номни олиш учун Равшан Эрматовдан ташқари, Жунайд Чақир (УЕФА), Вильмар Рольдан (КОН-МЕБОЛ), Хоэль Агиляр

ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йилда ХХХ ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда Бразилияда ташкил этилган конфедерациялар кубоги баҳслари, 2010 ва 2014 йиллардаги футбол бўйича жаҳон чемпионатларида ҳакамлик қилган. Шунингдек, жорий йилги Осиё чемпионатларида финалини бошқаргани ҳам диққатга сазовордир.

## Равшан Эрматов — дунёнинг энг яхши ҳаками

(КОНКАКАФ), Бакари Папа Гассама (Африка футбол конфедерацияси) ва Норберт Хауата (Океания футбол конфедерацияси) каби таниқли мутахассислар ҳам давъогарлик қилганди.

Жаҳон миқёсида футбол ишқибозлари юртдошимизни ўз ишининг моҳир устаси, тажрибали мутахассис сифатида яхши билишади. У кўплаб нуфузли чемпионатларда ўйинларни адолатли бошқариш, тўғри ва тез қарор қабул қила олиш фазилатларини ёрқин намойиш этиб келаяпти. Эрматов 2003 йилдан буён ФИФА таснифдаги деярли барча йирик турнирда қатнашмоқда. Жумладан, 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар

Ўз навбатида, ҳамюртимиз мундиалларда жами тўққизта учрашувда бош ҳакамлик қилган ягона рефери сифатида жаҳон рекордини ўрнатган. Бу ҳам Ўзбекистон фарзандлари маҳорат ва заковат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигининг яна бир амалий тасдиғи саналади.

Бинобарин, халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шўхратини юксалтириш, ўзбек футболни нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига кўшган муносиб ҳиссаси учун Равшан Эрматов Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

Ишқибозлар эътиборига маълум қиламизки, Дубайдаги маросимда Испаниянинг “Барселона” клуби ҳамда Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси “Энг яхши футболчи” сифатида тақдирланди. Бельгия терма жамоасини бошқарётган Марк Вильмотс “Энг яхши бош мураббий” деб топилди. Шунингдек, “Энг яхши клуб”, “Энг яхши футбол академияси”, “Энг яхши клуб президенти”, “Энг яхши футбол агенти” каби номинациялар бўйича голибларга “Globe Soccer Awards — 2015” мукофоти топширилди.

Санджон МАХСУМОВ.

**«Дўстлик» ордени**  
**Навоий кон-металлургия**  
**комбинати жамоаси**  
**Ўзбекистон халқини**  
**Янги йил**  
**байрами билан муборакбод этади!**

*Кириб келаётган Янги йил юртимиз аҳолисига бахту саодат ва омад олиб келсин!  
Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

**2016**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Қибрай»**  
**клиник санаторийси**

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган шифтгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейни ва жакузи ванналари, фитобочка, инфракрасил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сихатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қўлайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

**Манзилимиз:**  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони.  
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишга таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.  
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ**  
**жамоаси**  
**ватандошларимизни**  
**кириб келаётган**  
**Янги —**  
**2016 йил**  
**билан табриклайди!**

*Янги йилда Сизларга бахт-иқбол, хонадонингизга фрайз-барока, юртимизга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз!*

**ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК**

**ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!**  
CALL-MARKAZ: (0-371) 200-43-43. www.uzpsb.uz Хизматлар лицензияланган.

## КУРАШ

Бугун инсонларварлик, бағрикенглик каби фазилатларни намойиш этишининг самарали воситасига айланган ўзбек кураши жаҳонда тобора оммалашиб бормоқда.

## Полвонлар баҳси

Мазкур спорт тури бўйича нуфузли мусобақалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ҳар икки йилда ўтказиладиган Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган турнир ҳисобланади. Бу йил ўн иккинчи бор ташкил этилган баҳсларда ҳар бир ҳудуддан тўрт нафардан, мезбонлардан ўн нафар ҳамда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг тўлиқ таркиби голиблик учун гиламга чиқди. Яқунда совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«TOU Co.LTD»**  
**Ўзбекистон —**  
**Жанубий Корея**  
**кўшма**  
**корхонаси**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA»**  
**хорижий**  
**корхонаси**

**махсус қурилиш техникаларини тақлиф этади.**

**махсус қурилиш техникалари еҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини тақлиф этади.**

**DOOSAN**

**www.doosaninfracore.uz**

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.

**Савдо бўлими**  
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.  
(+99890) 805-60-52/53.  
E-mail: doosansales@uztow.com

**Сервис хизмати**  
Тел.: (+99871) 200-00-26,  
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.  
E-mail: servicedoosan@uztow.com

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — З. Худойшукров.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5